

Эксперт-криминалистнинг тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирларидаги иштироки

Ички ишлар органларининг асосий вазифалари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, конституциявий ва юридик шахсларнинг мулкани, конституциявий тузумни ҳимоя қилишдан, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашдан, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасида иборат.

Доимий равишда воқеа жойларига чиққан тергов-тезкор гуруҳи ходимларининг воқеа жойини сифатли кўздан кечириши ва, айниқса, эксперт-криминалист ходимларининг далилий ашёларни олиш, жиноят содир этилган жойи атрофида тезкор хабарларни олиш, шунингдек, «иссиқ изидан» фoш этиш бўйича ички ишлар органларининг барча куч ва имкониятларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чоралари кўрилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси жиноятчиликка қарши кураш олиб бораётган мансабдор шахслар ва барча органлардан қонунчилик ҳамда ҳуқуқ-тартиботга, инсон ҳуқуқлари ва Ўзбекистон фуқароларининг қонуний манфаатларига қатъий риоя қилишнинг таъминланишини талаб қилади.

Юқоридаги талабларнинг амалга оширилишида энг муҳим вазифа жиноятларни тез очиш, самарали тергов қилиш ва айбдорларни ўз вақтида жиноий жавобгарликка тортишдан иборатдир.

Бу вазифанинг ҳал этилишида, моҳияти ишга тегишли бўлган далилларни тўплаш, улардан фойдаланиш, техник-криминалистик воситаларни тўғри қўллашдан иборат бўлган оператив-тергов ишларининг техник-криминалистик таъминоти муҳим ўрин тутди. Шунинг учун ҳам эксперт-криминалист нафақат криминалистик техника соҳасида чуқур билимга эга бўлиши, балки криминалистик масалаларни ҳал этишда назарий билимларни тўғри қўллай олиши, ашёвий далилларни тўплаш ва текшириш маҳоратини эгаллаган бўлиши лозим.

Жиноятларни тергов қилиш ва очишнинг техник-криминалистик таъминотини икки босқичга ажратиш мумкин. Ушбу фаолиятнинг биринчи босқичига амалий изшунослик субъектларининг техник-криминалистик воситалар ва усулларни қўллашга доимий тайёргарлик

шарт-шароитларини яратиш кирса, иккинчи босқичга эса муайян бир жиноят содир этилганда ушбу шарт-шароитларни тергов қилиш ва очиш жараёнида қўллаш киради.

Биринчи босқичнинг моҳияти қуйидаги вазифаларни ҳал этишдан иборат:

- мавжуд восита ва усулларни такомиллаштириш ва техник-криминалистик таъминотнинг янгиларини яратиш;
- ҳуқуқий таъминоти - техник-криминалистик воситалар ва усулларни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш;
- ташкилий таъминоти - эксперт-криминалистика хизматлари ва суд-экспертиза муассасаларининг оптимал ташкиллашган тизимини яратиш, уларнинг жиноятларни тергов қилиш ва очишдаги фаолияти шакллари ва усулларини такомиллаштириш;
- илмий-методик таъминоти - жиноят изларини эксперт тадқиқотларининг замонавий усулларини яратиш ва мукаммаллаштириш;
- ўқув-методик ва касбий таъминот - жиноятларни тергов қилиш ва очиш субъектларининг техник-криминалистик тайёргарлиги.

Иккинчи босқичнинг моҳиятини ИИВ эксперт-криминалистика хизматларининг энг асосий вазифаси ҳисобланган, жиноятларни тергов қилиш, очиш ва олдини олишда криминалистик техниканинг восита ва усулларини ҳар кунги амалий иш фаолиятларида қўллаш ташкил этади.

Шундай қилиб, техник-криминалистик таъминот ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан криминалистик техниканинг восита ва усулларини қўллаш бўйича доимий тайёргарлик шароитларини яратиш ҳамда жиноятларни тергов қилиш ва очишнинг ҳар бир муайян ҳолатида амалга оширишга йўналтирилган фаолиятдир.

Техник-криминалистик таъминот - криминалистика фани тизимида фақат криминалистик категория сифатида эмас, балки криминалистик таъминлаш тизимининг структуравий элементи сифатида ҳам қаралади. Техник-криминалистик таъминотнинг ривожланиш манбалари бўлиб, фаннинг турли соҳаларидаги илғор ютуқлар ҳисобланади.

Ҳар қандай фаолият каби, техник-криминалистик таъминот ҳам, ўз вазифалари ва функцияларига мос равишда бошқарув тизими ва ташкилотига эгадир. Техник-криминалистик таъминотнинг бошқарувини Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳамда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда мавжуд бўлган муассасалар (Адлия вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва бошқалар) амалга оширади.

Эксперт-криминалистик хизматларда барча анъанавий турдаги

криминалистик экспертизалар ва айрим ноанъанавий турдаги экспертизалар ўтказилади.

Техник-криминалистик таъминот субъектларининг махсус билимлар ва воситаларни қўллашга доимий тайёргарлигини таъминлаш мақсадида эксперт-криминалистлар тайёрланади. ИИВ тизимида эксперт-криминалистларни тайёрлаш қуйидаги жойларда амалга оширилади:

- ИИВ Академиясида;
- хизмат тайёргарлиги тартибида жойларда ва асосий (базавий) органларда;
- малака ошириш ва қайта тайёрлаш тартибида ИИВ Академиясининг малака ошириш институтида.

Техник-криминалистик таъминот жиноят ҳуқуқи, жиноят-процессуал ҳуқуқ ва конституциявий ҳуқуқ нормаларини амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятдир. Шунинг учун техник-криминалистик таъминот тизимида махсус, процессуал ва ташкилий-бошқарув муносабатлар мавжуддир. Бундай муносабатларнинг ҳуқуқий асослари қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг, фуқароларни ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек жиноят процессининг асосий принципларини белгилайдиган қоидалар;
- жиноят ҳуқуқининг жиноятларнинг муайян таркибини ва уларни таснифловчи аломатларини аниқловчи нормалар;
- жиноят-процессуал ҳуқуқининг, жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини мувофиқлаштирувчи, шунингдек исботланиши керак бўлган ҳолатлар, исботлар манбаи, исботлаш воситалари ва шу кабиларни мувофиқлаштирувчи нормалар;
- Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари.

Шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, жиноятчиликка қарши курашда давлатлараро муносабатларни мувофиқлаштирувчи халқаро норматив ҳужжатларни ҳам ёддан чиқармаслик зарур.

ИИВнинг норматив ҳужжатларида техник-криминалистик таъминот субъектларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва функциялари, криминалистик техника восита ва усуллари ишлатиш тартиблари белгиланган.

Шуни таъкидлаш жоизки, республикамызда ўтказилаётган иш-хотлар, ҳуқуқ тизимидаги органлар ва жиноятчиликка қарши курашнинг моддий техника таъминотидаги ўзгаришлар, ўз навбатида, техник-криминалистик таъминот самарасини оширишга ҳам қаратилган.

Ички ишлар органлари эксперт-криминалистика хизматлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ушбу фаолиятни амалга ошириш тартиби, шакл ва усуллари, бунга ваколатли хизматларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, асосий вазифалари ва бошқа ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни белгилаб берувчи қонун ва қонуности ҳужжатлари ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Эксперт-криминалистика хизматлари ходимларининг жиноятчиликка қарши кураш, жиноятларнинг олдини олиш, жиноятларни очиш ва тергов қилишнинг техник-криминалистик таъминоти бўйича фаолиятлари бу - жиноят ҳуқуқи, жиноят-процессуал ҳуқуқи ва инсоннинг конституцион ҳуқуқлари нормаларини амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятдир. Шунинг учун техник-криминалистик таъминот тизимида махсус, процессуал ва ташкилий-бошқарув муносабатлари мавжуддир.

Суд эксперти сифатида ўзини ўзи рад этиши учун қонунда назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда, бу ҳақда суд экспертизасини тайинлаган органга (шахсга) ёки давлат суд-экспертиза муассасасининг ёхуд бошқа ташкилотнинг раҳбарига дарҳол маълум қилиши; ўзига тақдим этилган текшириш объектларини ҳар томонлама ва тўлиқ текширишдан ўтказиши, ўз олдига қўйилган саволлар юзасидан асосли ва ҳолисона хулоса бериши; суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг чақирувига биноан суриштирувда, дастлабки терговда ёки суд мажлисида шахсан иштирок этиш учун келиши; ўзи ўтказган суд экспертиза хусусида кўрсатувлар бериши ва ўзи берган хулосани тушунтириш учун қўшимча саволларга жавоб бериши; суд экспертизасини ўтказиши муносабати билан ўзига маълум бўлиб қолган маълумотлар ошкор қилмаслиги; тақдим этилган текшириш объектлари ва иш материалларининг сақланишини таъминлаши; иш тергов қилинаётганда ва суд муҳокамаси вақтида тартибга риоя қилиши шарт.

«Эксперт - экспертиза қилиш учун тегишли иш материаллари билан танишиш ва ундан керакли маълумотларни ёзиб олиш; ўзига қўшимча материаллар тақдим этилиши ҳақида илтимоснома бериш; башарти ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар унинг мутахассислигига оид бўлмаса ёки хулоса бериш учун унга тақдим этилган материаллар етарли бўлмаса, хулоса беришнинг иложи йўқлиги ҳақида ҳужжат тузиш; суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг рухсати билан тергов ҳаракатлари юритилишида иштирок этиш ва тергов ҳаракатида иштирок этувчи шахсларга экспертизага оид далилларни текширишда суд муҳокамасида иштирок этиш ва суднинг рухсати билан сўроқ қилинаётган шахсларга саволлар бериш; ашёвий далил-

ларни ва хужжатларни кўздан кечириш; ўз хулосаларида фақат унинг олдида қўйилган масалалар ҳақида эмас, балки экспертизага оид бошқа масалалар бўйича ҳам фикр билдириш; башарти иш юритила- ётган тилни билмаса ёки етарлича билмаса, ўз она тилида хулоса ва кўрсатув бериш ва бу ҳолда таржимон хизматидан фойдаланиш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳаракатлари ва қарор- лари устидан шикоятлар бериш ҳуқуқига эгадир.

Эксперт-криминалистика хизматларининг ва ички ишлар органларининг бошқа хизматларининг бошлиқлари тергов ҳаракатларини техник-криминалистик таъминотининг самарали бўлиши учун доимий ўзаро ҳамкорлик асосида қуйидагиларга эътибор беришлари лозим:

- ушбу масалалар бўйича етарли ва зарурий назарий билимлар ва амалий кўникмалар олишни таъминлайдиган ҳажм ва даврларда ўз қўл остидаги шахсий таркибни ўзаро ўқитишни таъминлашлари;

- йилнинг ҳар чорагида ҳеч бўлмаса бир марта жиноятчиликка қарши курашда техник-криминалистик воситалар ва методларни қўл-лашни тўлалиги ҳамда самарадорлигини биргаликда таҳлил қилиш-лари, бунинг асосида техник-криминалистик таъминотнинг такомил-лаштириш бўйича чора-тадбирлар кўришлари.

Адабиётлар рўйхати:

1. Югай, Людмила. "Судебно-экспертная деятельность в Республике Узбекистан в эпоху цифровизации." Современные тенденции развития цифровизации в сфере юстиции 1.1 (2022): 35-40.
2. Югай, Л. Ю. "Биометрическая идентификация личности по изображению лица человека: опыт Республики Узбекистан." (2023).